

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ТАРИХИ

Умарали Хабибулла ўғли ГУЛМАТОВ

Таянч докторант

Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти  
Тошкент, Ўзбекистон

### Аннотация

Мақолада мустақиллик йилларидан бошлаб бугунги кунгача Ўзбекистонда темир йўлларни электрлаштириш масалалари ҳамда ушбу фаолиятдаги ютуқлар ва камчиликлар ҳақида сўз юритилади.

**Таянч сўзлар:** темир йўл транспорти, “Ўзбекистон темир йўллари”, электрлаштириш, электр таъминоти, тепловоз, электровоз, экология муаммоси, “яшил транспорт”.

## ИСТОРИЯ ЭЛЕКТРИФИКАЦИИ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА В УЗБЕКИСТАНЕ

Умарали Хабибулла углы ГУЛМАТОВ

Базовый докторант

Институт истории Академии наук Узбекистана  
Ташкент, Узбекистан

### Аннотация

В статье рассматриваются вопросы электрификации железных дорог Узбекистана с начала независимости и до наших дней, а также преимущества и недостатки в данном виде деятельности.

**Ключевые слова:** железнодорожный транспорт, «Железные дороги Узбекистана», электрификация, электроснабжение, тепловоз, электровоз, экологическая проблема, “зеленый транспорт”.

Мустақилликнинг дастлабки даврдан бошлаб Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бир бўлган темир йўллар тизимини ҳар томонлама пухта ўйланган ва олдиндан белгилаб қўйилган режа асосида ривожлантириш кўзда тутилган. Соҳада амалга оширилган ва жадаллик билан давом эттирилиётган истиқболли лойиҳалар бугунги кунга келиб ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда мавжуд темир йўлларни электрлаштириш масаласига долзарб вазифа сифатида қаралиб, бу борада махсус давлат дастурлари қабул қилинди ва улар амалиётга татбиқ этилди.

Чунки, темир йўллари электрлаштириш нафақат ёнилғи ресурсларини тежаш ва атроф-муҳит мусавволигини сақлашга хизмат қилади, балки йўловчи ва юк поездлари тезлигини оширишга имкон яратади.

Маълумки, темир йўлда электр тортиш кучи тепловозникига қараганда ишончли ва самарали ҳисобланади. Тепловозларга нисбатан электр поездларининг бир қанча афзалликлари бўлиб, энг аввало Ўзбекистоннинг чанг ва иссиқ иқлими шароитида ҳаракатланиш қийин бўлган ҳудудларда тепловозларга нисбатан электровозлардан фойдаланган маъқул. Шу билан бирга, поездларнинг электр орқали ҳаракатланиши атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш, шовқиннинг камайиши, ҳаракат тезлигининг кучайишига сабаб бўлади.

Темир йўллари электрлаштириш масалалари бўйича қатор тадқиқотчилар фаолият олиб боришган. Хусусан, Табаш Сарипбаев “45 лет электрификации” номли асарида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин темир йўл транспорти соҳасида амалга оширилган электрлаштириш ишлари ва бунинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт учун ижобий тарафлари ёритиб берилган. Темир йўллари электрлаштириш орқали Ўзбекистонда нафақат ички транспорт тизимининг ижобий томонга ўзгариши, балки халқаро транспорт коридорларини ташкил қилиш ва ривожлантириш учун ҳам катта ҳисса қўшишини таъкидлаб ўтган.

Бундан ташқари, Р.Ҳайдаров, А.Қоржововлар илмий нашрларида Ўзбекистонда электропоездар фаолияти, уларнинг табиатга ижобий таъсири, иқтисодий жиҳатдан тежамкорлиги ва тепловозларга қараганда илдамроқ ҳаракат қилишдек ижобий томонлари ёритиб берилган.

Темир йўллари электрлаштириш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, собиқ Ўзбекистон ССРда темир йўлларининг доимий равишда ток билан ишлаши учун электрлаштириш ишлари 1971 йилда бошланган. 1986 йилдан

бошлаб бугунги кунгача уларнинг ўзгарувчан тоқда ишлаши бўйича қатор тадбирлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 2000 йилда Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари билан ўзаро транспорт орқали боғлаш лойиҳаси ишлаб чиқилди амалга оширилмоқда. Ўзбекистон – Германия форуми доирасида Тошкент – Ангрен участкасини электрлаштириш масаласи биринчи ўринга чиқди. Мазкур лойиҳадан кўзланган асосий мақсад кўмир ва нефть маҳсулотлари каби муҳим юкларни кам ҳаракат билан етказиб беришни тезлаштириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишдан иборат эди.

2003 йилнинг 1 сентабрида Тўқимачи – Ангрен ҳудудини электрлаштириш доирасида узунлиги 10 километрдан ортиқ бўлган Тўқимачи – Сирғали – Тошкент – Жанубий темир йўл йўлаги электрлаштирилиб фойдаланишга топширилди. Бу эса, ўз навбатида, Жиззах – Богарноедаги алоқа тармоғида кучланиш даражасини ошириш ва бу ҳудудда ўтказиш қобилияти бўйича мавжуд чеклашларни бекор қилиш имконини берди. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ мазкур лойиҳанинг 2-босқичида электрлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Бу босқичдаги фаолият бевосита Германия тараққиёт банки ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК (ҳозир – АЖ)нинг ўзига тегишли маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб олинди. Лойиҳанинг умумий қиймати 79,395 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, узунлиги 118,6 километрни ташкил қилди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши умумий харажатларни 1,8 баробарга камайтириб, ҳудуддаги экологик вазиятни яхшилаш, қўшимча 50 иш ўринни яратиб, аҳоли бандлиги муаммосини ҳал қилишда ижобий таъсир кўрсатди. Электрлаштириш ишларининг якуний босқичи 2010 йилнинг 27 июлида амалга оширилди. Натижада шаҳарнинг темир йўл инфратузилмаси тўлиқ электрлаштирилди.

2000 йилнинг апрель ойида Япония ва Ўзбекистон ўртасида бўлиб ўтган музокараларда ҳам мамлакатимиздаги темир йўллارни электрлаштириш масаласи муҳокама қилинди. Япония томонидан мазкур лойиҳа қабул қилинди ва ўртадаги шартларга мувофиқ, «Темирйўллойиҳа» ОАЖ томонидан 2001 йилда Мароқанд – Бухоро – Қарши ва Мароқанд – Қарши участкаларини электрлаштиришнинг ҳуқуқий-иқтисодий ва техник асослари ишлаб чиқилди.

2015 йилга келиб Мароқанддан Қаршигача бўлган ҳудудда электрлаштириш ишлари тугатилди. 140,8 километр узунликдаги ушбу лойиҳа учун 160 дан ортиқ ишчи-мутахассислар жалб этилди, 10 дан ортиқ махсус техникадан фойдаланилди. Бу лойиҳанинг ҳам ўзига хос хусусияти ташув тезлигининг соатига 160-200 километргача ошганида эди. Унинг энг муҳим афзаллиги шундан иборатки, юкларни етказиш жараёнида аввалгига нисбатан камроқ сарф-харажат қилина бошлади. Таъкидлаш жоизки, бошқа ҳудудларда бўлгани каби электрлаштириш ишларидан сўнг поездлар ҳаракати атроф-муҳит учун мутлақо зарарсиз ҳолатга келтирилди.

2001 йил декабрь ойида АҚШ савдо ривожланиш агентлиги ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси ўртасида мамлакатимизнинг темир йўл транспорти тизимини ривожлантириш борасида музокаралар ўтказилди. Томонлар ўртасида имзоланган меморандумга кўра, Мароқанд – Навоий, Навоий – Учқудуқ, Навоий – Бухоро, Бухоро – Қарши темир йўл участкаларини электрлаштириш борасида ўзаро келишувга эришилди. Мазкур келишувга асосан, 2002 йил июль ойида электрлаштириш лойиҳасини молиялаш мақсадида АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида «Грант ажратиш тўғрисида битим» имзоланди. Ушбу грант “Lemna International Inc” (АҚШ) компанияси томонидан амалга ошириладиган бўлди. Ушбу лойиҳа ишга туширилиши натижасида Самарқандан Навоий ҳамда Бухоро орқали Қашқадарё вилоятига ўтган темир йўл электрлаштирилди ҳамда халқ хизматига шай ҳолатга келтирилди.

Айни вақтда республикамиз темир йўлларида электр таъминоти узлуксиз ишлашини таъминлаш масаласи ҳам кўндаланг кўйилди. Электр таъминот қурилмаларининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида “2005 йилгача бўлган даврда электр таъминоти хўжалигининг фойдаланилаётган техник воситаларини модернизация қилиш бўйича кенг кўламли ишлар дастури” ишлаб чиқилди. Ушбу дастур натижасида 20 йилдан ортиқ фойдаланилган кабелларни капитал таъмирлаш, янги ва замонавий электр ускуналарини жорий қилиш, юқори аниқлик билан ишлайдиган электрон ҳисоблагичлар ўрнатиш каби ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида темир йўл транспорти соҳасида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар қаторига Самарқанд – Бухоро темир йўл участкасини электрлаштириш ишларини амалга ошириш вазифаси ҳам кўйилди. Лойиҳа қиймати 400 миллион АҚШ доллари атрофида бўлиб, йўл узунлиги 291 километрни ташкил қилади.

2013 йилда темир йўл орқали Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан бевосита боғлаш мақсадида йирик лойиҳа амалга оширила бошлади. Ангрен – Поп – Қўқон – Андижон темир йўли Ўзбекистон аҳолиснинг деярли учдан бир қисмига ташув хизматларини кўрсатувчи муҳим лойиҳалардан бири эди. Мазкур йўналишдаги темир йўл қуриш ишлари 2016 йилда яқунланди. Эндиги асосий вазифа электрлаштириш масаласи эди. Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилда Поп – Наманган - Андижон темир йўлини электрлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Узунлиги 145 километр бўлган ушбу лойиҳа учун умумий қиймати 202,3 миллион доллар бўлган маблағ ажратилди, шундан 80 миллион доллари Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилди.

Қамчиқ доводига темир йўл тоннели ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ушбу тоннель Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг қолган ҳудудлари билан боғлашда катта хизмат қилибгина қолмай, Қирғизистон ва Хитой темир йўл тизими билан ўзаро алоқалар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Узунлиги 19,1 километрни ташкил қилувчи ушбу иншоот Марказий Осиёдаги ана шундай турдаги энг йирик объектлардан биридир. У дунё рейтингига тоғли ҳудудларда жойлашган тоннеллар орасида мураккаблиги бўйича 8-ўринни, тоннелдаги темир йўл узунлиги бўйича эса 13-ўринни эгаллайди.

2012 йил 21 февраль санасида республика Президенти қарорига мувофиқ Қарши – Термиз темир йўл линиясида электрлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Лойиҳа учун 160,3 миллион доллар миқдорида маблағ ажратилди. 2018 йилнинг 9 январь санасида умумий узунлиги 325 километр бўлган ушбу электрлаштирилган темир йўлнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳанинг тарихий аҳамияти шундаки, йўлнинг электрлаштирилиши мамлакатимиз учун нафақат иқтисодий-ижтимоий фойда келтиради, балки кўшни ва хорижий давлатлар билан ўзаро транспорт коридорларини боғлашда улкан имкониятлар яратади.

2020 йилнинг 28 декабрь санасида Республика Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, шу йилнинг март ойидан бошлаб Бухоро – Хива – Урганч йўналишида тезкор поездлар ҳаракатини таъминлаш мақсадида электрлаштириш ишлари бошланган эди.

Маълумки, бугунги кунда туризм соҳаси иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Ички ва ташқи туризмни янада ривожлантириш мақсадида транспорт тизимини такомиллаштириш ҳозирги кунда дунёнинг долзарб масалаларидан биридир. Сайёҳлик қобилияти юқори даражада баҳоланадиган Ўзбекистонга ҳам нафақат хорижий, балки маҳаллий

туристларни янада кўпроқ жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур фаолиятни олиб бориш учун сифатли ва хавфсиз, тезкор ва замонавий, иқтисодий ва техник жиҳатдан қулай бўлган транспорт тизими жуда ҳам зарур. Шу мақсадни амалга ошириш йўлида 2011 йилда Тошкент – Самарқанд йўналишида Ўзбекистон тарихида, қолаверса, Марказий Осиёда биринчи марта юқори тезликда ҳаракат қиладиган «Афросиёб» электропоездлари ҳаракати йўлга қўйилди. Кейинчалик бундай тезкор поездлар хизматидан Қарши, Бухоро ва Шаҳрисабз аҳолиси ҳам баҳраманд бўлди. Кейинги босқичда асосий вазифа «Афросиёб» электропоездлар ҳаракатини Урганч ва Хива шаҳарларигача етказиш эди. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, 2017 йилгача Тошкент шаҳридан Урганчгача қатнайдиغان поездлар Навоий – Учқудук – Мискин йўналиши орқали 1064 км. масофани босиб ўтган бўлса, узунлиги 355 километрни ташкил қиладиган Бухоро – Мискин темир йўл магистрали қурилгач, орадаги масофа деярли 100 километрга камайди. Бажарилиши лозим бўлган навбатдаги иш ана шу йўналишни электрлаштириш вазифаси эди. Бухоро – Урганч – Хива йўналишининг умумий узунлиги 465,5 километрни ташкил қилади.

Лойиҳа якунлангач, Тошкент – Самарқанд – Навоий – Бухоро – Урганч – Хива йўналишлари бўйлаб тезкор ҳаракатланувчи, экологик хавфсиз бўлган электропоездлар ҳаракати йўлга қўйилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, бундай лойиҳалар катта миқдордаги ёнилғини тежайди. Атроф-муҳит экологиясига салбий таъсирни камайтиради. Ҳаракат тезлигини ошириш ҳисобига хизмат кўрсатиш сифати яхшиланади.

Юртимизда темир йўллари электрлаштириш ишлари бугунги кунгача жадаллик билан амалга оширилиб, эртанги кун учун ҳам улкан режалар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, 2024 йилгача Хива шаҳрига электр поездлар ҳаракатини йўлга қўйиш ишлари долзарб масалалардан ҳисобланади. Мазкур лойиҳа амалга ошириш жараёнида Республиканинг 2022-2026 йилларга

мўлжалланган инвестиция дастурига ҳам киритилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 445 миллион долларни ташкил қилади. Умумий электрлаштириладиган йўл узунлиги 465 километрдан ошади. Лойиҳа натижасида йўлнинг самарадорлиги ортади, хусусан, поездларнинг тезлиги соатига 250 километргача етади. Тошкентдан Урганчгача бўлган қатнов вақти 14 соатдан 6 соатга қисқарса, Бухоро – Хива оралиғидаги масофа 8 соатдан 3 соатгача камаяди. Тезлик ошиши эвазига юк ташиш ҳажми йилига 11 миллион тоннагача ошгани ҳолда, йўловчилар салмоғи 2 миллион 300 нафарга етади. Электр поездлар ҳисобига йилига 18 минг тонна дизель ёқилғиси тежалади. Яқин келажак учун Нукусгача бўлган худудни электрлаштириш ҳам режа қилинди. Бунинг натижасида Тошкентдан Нукусгача бўлган бориш вақти 16 соатдан 7 соатгача қисқаради.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам темир йўл соҳаси бўйича кенг кўламли лойиҳалар режалаштирилди. Хусусан, темир йўл инфратузилмасини электрлаштириш салмоғини 60 фоизгача етказиш бу борада улкан қадам бўлиши кутилмоқда.

Эътиборлиси шундаки, темир йўлларни электрлаштириш бўйича амалга оширилаётган ва режалаштирилган лойиҳаларда миллий маблағларимиз билан бир қаторда Япония, АҚШ сингари хорижий мамлакатлар ҳам инвестиция киритмоқдалар. Темир йўлларни электрлаштириш поездларнинг ҳаракат тезлигини ошириш, ёнилғи тежамкорлигига эришиш билан бир қаторда таъкидлаганимиздек, темир йўл транспортининг экологияга кўрсатадиган салбий таъсирини олдини олишга хизмат қилиши билан ҳам ғоят аҳамиятлидир. Шу боис, бу борада белгиланган чора-тадбирлар ва лойиҳаларни келажакда янада кенгайтириш ва такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.



## Фойдаланилган адабиётлар.

1. 2017-2021йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон Фармони.WWW.Lex.uz.

2. 2022-2026йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида:Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь ПФ-60-сон Фармони.WWW.Lex.uz.

3. “Қарши-Термиз темир йўл участкасини электрлаштириш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 февраль ПҚ-1712-сон Қарори.WWW.Lex.uz.

4. “Поп-Наманган-Андижон темир йўл линиясини электрлаштириш” лойиҳасини Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 октябрь ПҚ-3336-сон Қарори.WWW.Lex.uz.

5. Германия тараққиёт банки ҳамда Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида “Тошкент (Тўқимачи) — Ангрен” темир йўл участкасини электрлаштириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февраль ПҚ-582-сон Қарори.WWW.Lex.uz.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрь ПҚ-4937-сон Қарори.WWW.Lex.uz.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини

бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида:  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрь ПҚ-72-сон  
Қарори. WWW.Lex.uz.

8. Тезюрар поезд Нукусгача боради // Халқ сўзи, 2022 йил 29 ноябр, 256-сон.

9. Ҳайдаров Р., Қоржовов А. Бухоро-Урганч-Хива темир йўли юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар катнови учун электрлаштирилмоқда // Халқ сўзи, 2021 йил 27 апрель, 83-сон. – Б.3.